O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

20 20 y « 1 » июль № Қ-302 «___»________20___ г.

**Ер майдонини заҳирага**
**қайтариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,36-моддаларига асосан, Сариосиё туманида фаолият юритаётган "IZRAIL-SURXON AGRO BIZNES" қўшма корхонаси МЧЖнинг 2020 йил 18 июндаги 10-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Сариосиё туманида фаолият юритаётган "IZRAIL-SURXON AGRO BIZNES" қўшма корхонаси МЧЖнинг 2020 йил 18 июндаги 10-сон хати инобатга олинсин.

2. "IZRAIL-SURXON AGRO BIZNES" қўшма корхонаси МЧЖга вилоят ҳокимининг 2019 йил 19 августдаги Қ-389-сон қарори билан Сариосиё тумани "Сўфиён" СИУ "Ширин" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалик харитасининг 213қ ва 220қ-дала контурларидаги жами 15,0 гектар суғориладиган экин ер майдони Сариосиё туман ҳокимлиги заҳира ер фондига қайтариб олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 19 августдаги Қ-389-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Сариосиё тумани ҳокимлиги (Ў.Тўраев) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Саматов зиммасига юклансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI HOKIMLIGI * DEVONXONA

**Вилоят ҳокими** **Т.Боболов**